

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 924-ҳадис

924 – عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ مُسْتَبِدٌّ إِلَيَّ يَقُولُ: «اللَّهُمَّ! اغْفِرْ لِي وَارْحَمْنِي، وَأَلْحِقْنِي بِالرَّفِيقِ الْأَعْلَى». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 5674، م 2444].

924. Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

Набий соллаллоху алайҳи васаллам менга суяниб туриб:

«Аллоҳуммағфирлий варҳамний ва алҳиқний биррофиқил аъла», деяётганларини эшитдим».

(Маъноси: Аллоҳим, мени мағфират қил ва менга раҳм эт ва мени Рафиқи аълога етиштир!)

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Ҳадисдан олинadиган хулосалар:

- Набий с.а.в.га ҳаёт билан ўлим орасини танлаш ихтиёри берилганида, у зот хайрият борлиги ва Роббиларига йўлиқиш истаги борлиги учун ўлимни танладилар.
- Пайғамбарлар ўлим вақтларини биладилар. Ўлим тўшагида ётишгани Аллоҳ уларга билдириб, хабар беради.
- Бемор киши мағфират ва раҳмат талабида бўлади. Банда Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмайди.
- Мўмин киши ўлим тўшагида ётганида ҳам яхшиликларни талабида бўлади.

– Ким Аллоҳга йўлиқишни истаса, Аллоҳ ҳам у билан учрашишни истайди.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI